2010-yil 26-yanvar № 11 (2736) seshanba

Insonga naf keltirish – oliy baxt

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Инсон билим туфайлигина барҳаётдир. Билим, тафаккур инсон ҳаёти, барҳаётлиги негизидир.*

ГЕГЕЛ





Нукус туманидаги «Узункўл» аҳоли пунктида 20 та уй-жой қурилмоқда. Айни пайтда ушбу иншоотларда қурилиш ишлари ҳал қилувчи паллага кирди. Нукусдаги «Қорақалпоқтаъмирқурилиш» жамиятига қарашли 3-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари тез орада турар-жой эгаларига уйлар калитини топшириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Суратларда:** Нукусдаги «Қорақалпоқтаъмирқурилиш» жамиятига қарашли 3-қурилиш бошқармаси (ўртада) прораби Каримбой Ажимуратов бошқарма ишчилари Зарипбой Кутлимуратов ва Амет Бекбаулов билан иш пайтида; ишчи Ергалий Нурсейтов.

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар**

Тараққиёт ва фаровонлик манзаралари

*Аҳолига қулайлик яратиш, замонавий уй-жойлар барпо этиш анъанага айланди. Жорий йилда Самарқанд вилоятида 740 та янги уй қурилиши режалаштирилган.*

## Янги уйлар

Вилоятнинг Пастдарғом, Пахтачи ва Жомбой туманларида намунавий лойиҳа асосидаги 60 та уй қурилиши ниҳоясига етказилди.

Аҳоли эҳтиёжини қондиришга бел боғлаган қурувчилар бунёдкорлик ишларини атиги тўрт ойда битиришди. Ҳадемай янги уйларда тўйлар бошланади.

**Нурулла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Форишлик фермер Бастамкул Сайимкулов Ўзбекистон экологик ҳаракати билан ҳамкорликда хўжалигида шамол ёрдамида энергия ишлаб чиқарувчи ускуна ўрнатди.*

## Шамолдан... энергия

Эндиликда фермер ўзига тегишли 40 гектар писта, 10 гектарда бодом ва олмазорни шамол энергияси ёрдамида 110 метр чуқурликдан тортиб олинаётган обиҳаётга қондирмоқда.

— Шамолдан энергия олиш экологик жиҳатдан фойдали, — дейди Б.Сайимқулов.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Уйчи туманининг аҳоли зич яшайдиган Ёркатай қишлоғида «Мега текстил» хорижий корхонаси ишга тушди. Унга Туркиядаги «Аҳмад Аграш» фирмаси томонидан 1,5 миллион доллардан зиёдроқ инвестиция киритилиб, Германияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар ўрнатилди.*

## Янги тўқимачилик корхонаси

Корхона йилига 1400 тонна пахта толасини қайта ишлаб, 1200 тонна калавага айлантириш қувватига эга. Бугунги кунда корхонада 100 киши ишлаяпти. Уч сменада 500 кг. атрофида маҳсулот тайёрланмоқда. Таъкидлаш керакки, шу йилнинг ўзида 70 фоиз қувват ўзлаштирилади, ишчилар сони 190 нафарга етказилади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*«Маҳалла» хайрия жамғармаси Марғилон шаҳар бўлими ташаббуси билан 54 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари Ҳиндистон ишбилармонлари сармояси асосида фаолият юритаётган «Спентекс-Тошкент-Тўйтепа-Ўзбекистон-Ҳиндистон» қўшма корхонаси фаолияти билан танишишди.*

## Ташриф

— Бир кунда 40 минг погон метр матони 24 хил рангга бўяш имкониятига эгамиз, — деди қўшма корхона раҳбари Жейн Кумар. — Ишлаб чиқариш жараёни компютерлаштирилган, 200 нафар йигит-қиз замонавий дастгоҳларда ишламоқда. Яна 90 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Маҳалла раислари корхона раҳбарияти билан бўш иш ўринларига ёшларни жалб этиш борасида келишиб олишди. Шунингдек, улар «Осиё текс», «Барс» корхоналарида ҳам бўлдилар.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

Сайловдан-сайловгача

# Мақсадимиз — ишни тубдан яхшилаш

*Ҳар ким вақти-вақти билан ўз ишини сарҳисоб қилишга уринади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши IV қурултойи белгилаб берган вазифалар устида ишлай бошлаганимизга ҳам бешинчи йил кетаяпти. Касаба уюшма органларида ҳисобот-сайловлар бошланади.*

Вакиллигимиз 13 та катта-кичик корхонани ўз ичига олган, шундан 6 тасида асосий ишдан озод қилинган касаба уюшма раислари фаолият юритмоқда. Улар орасида «Навоийазот», «Навоий иссиқлик энергияси станцияси», «Навоий электр тармоқлари» ОАЖ ва «Қизилқум ГКЭ» сингари гигант корхоналарнинг борлиги бизни янада масъулият билан ишлашга ундайди. Сайловдан-сайловгача бўлган даврга назар солсак, жамоа шартномалари ҳамда тармоқ келишуви асосида меҳнат шароитини талаб даражасига олиб чиқиш, аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича қилган ишларимиз самараси яққол кўзга ташланмоқда. Иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик, мақсадлар муштараклиги меҳнаткашлар учун фақат фойда келтираяпти.

Эзгу ишлар мақтаниш ёки ҳисоботларда қайд этиш учун қилинмаслиги тайин. Лекин уларни бот-бот эсга олиб туриш фойдадан холи эмас. Мисол учун, тасарруфимиздаги корхоналарнинг барчасида қишлоқда яшайдиган ишчиларга уй-жой қуриши учун ссудалар ажратилди. Ходимлар ва уларнинг фарзандлари республикамизнинг турли сиҳатгоҳ ва оромгоҳларида дам олиб, саломатлигини тиклаб қайтди. Баркамол авлод йилида болалар спортини равнақ топтиришга янада кўпроқ эътибор қаратмоқчимиз.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳозир «Электрокимё заводи» қўшма корхонасида айрим муаммолар туфайли ишчилар 4 кунлик иш ҳафтаси режимида ишлашига тўғри келаяпти. Бундан ташқари, имконият бўлишига қарамай, ҳали аъзоликка жалб этилмаган хусусий корхоналар борлиги бизни янада эътиборлироқ бўлишга ундайди.

Яқинда Учқудуқ туманидаги геологлар иши билан танишиш чоғида шу нарсага амин бўлдикки, вакиллигимизнинг айрим бошланғич ташкилотлари фаолиятида чиндан ҳам ташаббускорлик етишмайди. Уларнинг ишини тубдан яхшилаш чораларини белгилаб олдик.

**Яндаш ЯРАШЕВ,**
**Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилоятидаги вакили**

## Кенг тушунча берилди

*Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини уюшқоқлик руҳида ўтказиш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.*

Жумладан, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек туман кенгашлари ҳамда Чилонзор, Учтепа, Юнусобод, Яккасарой туман вакилликларида ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди. Унда шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Вера Шулятникова, мутахассис Масъуда Идрисова ва тармоқ касаба уюшма кенгаши бўлим мудири Бахтиёр Дўстхўжаев ҳисобот-сайловларни ўтказиш тартиблари ҳақида иштирокчиларга кенг тушунча ва маълумотлар берди.

Йиғилиш қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлақонли жавоб олдилар.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

### КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАРКАЗИЙ, ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИНИНГ ВАКИЛЛИКЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ҲОЛЛАРДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

32. Касаба уюшмалари Марказий (вилоят) кенгашларининг Вакилликлари фаолият кўрсатаётган туман, шаҳар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикасида касаба уюшмалари Марказий кенгашлари раёсатларининг қарорига мувофиқ, тегишли касаба уюшма қўмиталари раислари Кенгашлари қарори асосида, конференциялар чақирилади. Мазкур конференцияларда Вакилнинг ахбороти эшитилиб, маълумот учун қабул қилинади. Шунингдек, юқори касаба уюшма органлари ва ҳудудий бирлашма кенгаши томонидан чақирилаётган конференциялар, қурултойларга делегатлар сайланади.

Касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ихтиёрига кўра, мазкур конференцияларда касаба уюшма қўмиталари раислари (туман, шаҳар, вилоят) кенгаши сайланиши мумкин.

Касаба уюшма қўмиталари раислари кенгаши томонидан чақирилаётган конференциялар мазкур Низомнинг туман, шаҳар, вилоят ҳисобот-сайлов конференциялари учун белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилади.

* - темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси тизимидаги ҳудудий қўмиталарнинг ҳисобот сайловлари ҳам вилоят кенгашларининг ҳисобот-сайловлари учун белгиланган тартибда ўтказилади.

16

### Касаба уюшма органларида ҳисобот-сайловлар ўтказиш тўғрисида НИЗОМ

#### УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2010 йил

гиланган тартибда касаба уюшма органи раиси, раис ўринбосари, тафтиш комиссияси раисини сайлаш бўйича овоз бериш натижаларини алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқади. Қўмита, кенгаш раиси, раис ўринбосари этиб сайланган номзод тегишли касаба уюшма қўмитаси, кенгаши ва унинг раёсати аъзоси этиб ҳам сайланган ҳисобланади.

Сайланаётган ҳар бир лавозимга бир нечта номзодлар кўрсатилиши мумкин.

Сайлов ўтказиш тартиби ва ҳар бир лавозимга номзодлар сони тўғрисидаги қарорни йиғилиш, конференция, қурултой, касаба уюшма қўмитаси, касаба уюшма органларининг Пленумлари, тафтиш комиссиялари қабул қиладилар.

Яширин овоз бериш мазкур Низомнинг 20-22- бандларида кўзда тутилган тартибда ўтказилади.

26. Касаба уюшма гуруҳи ташкилотчилари, касаба уюшма ташкилотчилари, цех қўмитаси раислари, касаба уюшма қўмитаси, кенгаши, тафтиш комиссияси раислари ва уларнинг ўринбосарларини яширин овоз бериш йўли билан сайлаш чоғида бюллетен (рўйхат)да кўрсатилган бир неча номзоддан биттаси қолдирилади ёки сайланган касаба уюшма органи таркибидан янги номзод кўрсатилади. Йиғилишда иштирок этаётган касаба уюшма аъзолари, конференция, қурултой делегатлари, касаба уюшма органи, тафтиш комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган номзод сайланган деб ҳисобланади.

**Изоҳ:** Агар овоз бериш натижаларига кўра бирорта ҳам номзод овозларнинг ярмидан кўпини ололмаса, йиғилиш, кон-

14

қуйи касаба уюшма органлари ҳисобот берадилар ва сайланадилар, сўнгра юқори касаба уюшма органлари.

3. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари одатда ишдан ташқари вақтда ўтказилади.

4. Касаба уюшма аъзолари:

- касаба уюшма гуруҳи ташкилотчилари ва цех қўмиталарининг ҳисобот-сайловлари тўғрисида — камида 5 кун аввал;

- касаба уюшма ташкилотчилари, бошланғич ташкилотлар касаба уюшма қўмиталарининг ҳисобот-сайловлари тўғрисида — камида 10 кун аввал;

- тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси кенгашлари* (бирлашган қўмиталари)нинг ҳисобот-сайловлари тўғрисида — камида бир ой аввал;

- касаба уюшмалари Марказий кенгашлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг ҳисобот-сайловлари тўғрисида — камида икки ой аввал;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ҳисобот-сайловлари тўғрисида — камида уч ой аввал огоҳлантириладилар.

5. Касаба уюшма гуруҳи ташкилотчилари, цех қўмиталари, касаба уюшма ташкилотчилари, касаба уюшма қўмиталарининг ҳисобот-сайловлари касаба уюшма йиғилишларида ўтказилади. Умумий йиғилиш ўтказишнинг имконияти бўлмаган йирик бошланғич, цех касаба уюшма ташкилотларида юқори касаба уюшма органининг рухсати билан конференциялар ўтказишга йўл қўйилади.

Бирлашмаларнинг ягона касаба уюшма

3

Ishonch
2010-yil 26-yanvar № 11 (2736)

Аъзолик афзаллиги

# Сафимиз кенгаймоқда



***Агросаноат тизимидаги ислоҳотлар тармоқ касаба уюшмаси олдига янгича фикрловчи, ўз ҳуқуқини англаб етган кишилар билан бақамти бўлиш вазифасини қўйди. Ўтган йиллар давомида ташкилот мутлақо янгича шароитда ишлашга ўтди. Иш берувчилар билан олиб борилаётган мулоқотларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошира бориб, ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришга эришаяпмиз. Ходимлар учун қонунларда белгиланган меҳнат имтиёзлари ва кафолатлари қамрови кенгайиб, турлари ортиб бормоқда.***

Шу ўринда бир мисол. 2009 йил 1 январигача касаба уюшма аъзоларининг сони 257657 нафарни ташкил этган бўлса, йил давомида бу кўрсаткич янада ошди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари сони 475 тадан 504 тага, аъзолар сони эса 284384 нафарга етказилди. Касаба уюшма аъзолиги афзаллигини одамлар чуқурроқ англай бошлади.

Фаол ва фидойи кишилар ташаббуси билан Нуробод туманида 19 та, Нарпай туманида 12 та, Самарқанд туманида 11 та, Самарқанд шаҳрида 10 та, Пайариқ туманида 9 та, Оқдарё, Каттақўрғон, Пахтачи туманларида 7 тадан, Тойлоқ туманида эса 6 та янги бошланғич ташкилот тузилди. Биргина Қўшработ туман вакиллигининг саъй-ҳаракати билан тармоқда юзга яқин бошланғич ташкилот ташкил этилиб, улар орқали 4860 нафар меҳнаткашнинг манфаати ҳимоя қилинмоқда.

Бу билан чекланиб қолмай, яна кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга бел боғлаганмиз. Ўтган вақт давомида нодавлат секторидаги 26 та корхона ва ташкилот раҳбари билан икки томонлама музокара олиб бордик. Улардан 10 тасининг сафимизга қўшилишига эришдик. Қолганларига ҳам аъзолик афзалликлари тушунтирилмоқда. Зеро, ходим ҳуқуқларини ҳимоялашни асосий мақсад деб билган ташкилотга қўл берганлар ҳеч қачон адашмайди.

**Садриддин АСЛИДДИНОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раисининг ўринбосари**

***Инсоннинг комилликка эришишида мактабда олган таълим-тарбияси муҳим аҳамиятга эга. Шунданми, болаликнинг энг қизиқарли воқеаларини хотирага муҳрлаган қутлуғ даргоҳ ҳақида гап кетганда кўнгилда ўзгача соғинч, илиқлик зоҳир бўлаверади. Гулистон туманидаги Учқаҳрамон қишлоғида жойлашган 2-умумтаълим мактабига бошланғич касаба уюшма ташкилотининг намунавий тарзда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳақида материал тайёрлаш учун борганимизда қалбимизда ана шундай илиқликни туйдик.***





Ҳисобот-сайловлар

# Маърифатнинг нурли манзили

Йиғилиш ўқувчиларнинг ватан, она, дўстликни улуғловчи куй-қўшиқлари билан бошланди. Мактаб тарихи, бу ерда таълим олиб, ҳозир республиканинг турли ҳудудларида юрт равнақига ҳисса қўшиб келаётган кишилар фахр билан тилга олинди.

Шундан сўнг ҳисобот-сайлов йиғилиши кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилди.

Мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Басбуви Эшонқулова амалга оширилган ишлар тўғрисида йиғилганларга ахборот берди.

— Ҳисобот даврида педагоглардан 17 нафари «Турон», «Чинобод», «Бўстон», «Ботаника», «Сирдарё» санаторийларида дам олиб, соғлиғини тиклади. Ўқитувчилар ва кам таъминланган оила фарзандларидан 319 нафари соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди, — деди маърузачи. — Ўтган йилларда 7 та умумий йиғилиш, 36 та қўмита йиғилиши, 6 марта касаба уюшма фаолиятини такомиллаштириш юзасидан туман миқёсида семинар ташкил этилиб, юқори савияда ўтказилди.

Маънавий ишлар бўйича директор ўринбосари Абдумалик Исоқов, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Маърифат Убайдуллаева, бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Эркабоева ва бошқалар касаба уюшма ташкилоти ишини ижобий баҳолади. Басбуви Эшонқулова касаба уюшма қўмитаси раислигига қайта сайланди.

— Айни дамда касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловлар давом этаётир, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси раиси Ёқубжон Мадаминов. — Бошланғич ташкилотларда бўлаётган дастлабки ҳисобот-сайловлар энг намунали таълим муассасасида ташкил этилаётгани билан ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Жамиятнинг равнақи ва келажаги аввало фуқароларнинг маънавий ҳамда маърифий камолотига боғлиқ. 2009-2010 ўқув йилининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили деб номланиши ҳам бежиз эмас. Таълим ходимларини юртимизнинг қадимий шаҳарлари билан яқиндан таништириш мақсадида саёҳатлар уюштириш анъанага айланмоқда. Ўтган йилда 3, 6, 8, 13, 24 мактаблар, 3-боғча ўқитувчи ва ходимлари туман бирлашган қўмитаси томонидан автоуловлар билан таъминланди. 2009 йилда таълим муассасаларида ўтказилган шу каби хайрли тадбирларга 3 миллион 55 минг сўм сарфланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004-2009 йиллар мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастури асосида туманда қатор ишлар қилинди. Жумладан, ўтган йилда18, 24-мактабларда капитал, 10, 16, 23-мактабларда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 70-мактаб-интернати тўла реконструкция қилинди. Ушбу мақсадларга 1 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Осиё тараққиёти банки маблағлари ҳисобидан 10, 14-мактабларга компютерлар олиб берилди.

Таълим ходимларининг касбий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимлар меҳнатини муҳофозалаш ва хавфсизлик қоидасига риоя этилишини таъминлаш, иш жойида соғлом муҳитнинг вужудга келишига бош-қош бўлиш касаба уюшма қўмитасининг мақсад ва вазифаларидан саналади. Бу борада мазкур муассасада олиб борилаётган ишлар эътиборга моликдир.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси томонидан 2-мактабнинг ибрат қилиб кўрсатилгани бизни мактаб тарихи, фаолияти билан яқиндан танишишга, ўтган йилларда касаба уюшма ташкилоти бажарган ишларга бир қур назар ташлашга ундади.

Мазкур таълим муассаси 100 йиллик тарихга эга. Бугунги кунда 105 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, шундан 81 нафари педагоглардир. 24 нафар техник ходим эса ўқувчиларнинг қулай, шинам хоналарда билим олиши учун муаллимларга камарбаста. Бундан ташқари, 24 нафар 2-гуруҳ ногирони, 5 нафар ишлаётган пенсионер, 4 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож ҳамда 1 нафар 2 ёшгача фарзанди бор ходим қўмитанинг доимий эътиборида. Мактабда жамоа ҳамда меҳнат шартномаларига қатъий риоя қилинмоқда.

XXI асрни компютерларсиз тасаввур қилишнинг иложи йўқ. Қишлоқ мактабида замонавий компютерларнинг ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилгани, спорт зали ва майдони, кийиниш, спорт анжомларини сақлаш ҳамда тиббиёт хоналарининг мунтазам фаолияти, 14 та синфхона замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланганининг ўзиёқ мактабда таълим самарадорлиги юксак ташкил этилганлигини кўрсатиб турибди. 90 ўринли ошхонада сифатли таомлар тайёрланиб, ўқувчиларга арзон нархларда сотилади.

— Болаларни яхши кўраман, — дейди 50 йилдан буён кутубхоначи бўлиб ишлаётган Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Мунисхон ая Эрматова. — Кутубхонамизда 3250 та китоб бўлиб, шундан 350 таси методик, 250 таси сиёсий, қолганлари бадиий адабиётлардир. 2002 йили мактаб ўқувчилари «Ёш китобсеварлар» республика танловида ғолиб чиқишди.

Бу ерда ишловчиларнинг аксарияти хотин-қизлар бўлгани боис, аёллар гигиеник хонаси ташкил этилган.

Мактаб жамоаси эришган ютуқларда марҳум устозларнинг хизмати беқиёс. Улар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ташкил этилган «Устозлар хотираси — яхшилар ёди» фотоалбомининг илк саҳифаларида:

*«Мунгли мусиқалар, инграгиз бир-бир,*
*Сен ҳам йиғлагин, эй дилда қотган ғам.*
*Ёруғ бу дунёда бормикан ахир*
*Устоз ўлимидан оғирроқ мотам»,*

— сатрларига кўзингиз тушади. Албомдан тарих фани ўқитувчиси Назокат Султонова, Россияда туғилиб, кейинчалик юртимизга кўчиб келган бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси Такий Зиятдинов, «Учқаҳрамон» жамоа хўжалигида касаба уюшма қўмитаси раҳбари, мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси ва бошқа лавозимларда ишлаган Ўрозали Анорқулов, Қримда туғилиб, фаолиятини шу ерда бошлаган бошланғич синф ўқитувчилари Кашиф Сейтмеметов ва Хатижа Вейратская сингари қатор устозлар ҳаёти ҳақида маълумотлар жой олган.

Пенсиядаги муаллимларнинг ҳолидан хабар олиб, байрамларда совға-салом бериш йўлга қўйилган.

— Мактабда турли байрамлар муносабати билан ўтказиладиган тадбирларга шоир ва ёзувчилар, давлат ва жамоат арбоблари таклиф этилиб, уларнинг ижоди, ҳаётий тажрибалари ўқувчиларга ибрат қилиб кўрсатилади,— дейди мактаб директори Рисқул Турдиев. — Айниқса, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, профессорлар Пирмат Шермуҳамедов ва Қозоқбой Йўлдошев, шоирлар Азим Суюн ва Абдусаид Кўчимовнинг мактабимизга ташрифи ўқувчилар қалбида унутилмас таассурот қолдирди.

Маданий-маърифий ишлар билан бир қаторда жамоанинг спортда эришган ютуқларидан дилингиз яйрайди. 2007 йили Қозоғистонда бўлиб ўтган қўл тўпи баҳсларида мактабнинг 7 нафар ўқувчиси мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, фахрли 2-ўринни эгаллади. 2009 йили республика миқёсида ўтказилган «Асалим» мусобақасида мактаб қизлари 3-ўринга сазовор бўлди.

«Умид ниҳоллари — 2009» мусобақаларида Маъмура Султонова, Ҳулкар Маматқулова ва Гулнора Исоқованинг қўл тўпи бўйича олтин медални қўлга киритгани, мактаб жамоаси қатори қишлоқ аҳлининг ҳам қувончига сабаб бўлди. Ўқувчиларнинг бундай муваффақиятларга эришиши аввало, устозлар меҳнатининг маҳсулидир. Ёшларга меҳнат фанидан сабоқ бераётган Нодира Хидирова ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган «Аёллар спартакиадаси»да шахмат бўйича 4-ўринга сазовор бўлди.

Мактабнинг иқтидорли ўқувчилари республика миқёсида ўтказиладиган анъанавий «Яшил чироқ» танловининг доимий иштирокчиси ва совриндори ҳисобланади. Салкам ўн йилдирки, жамоа вилоятда биринчиликни қўлдан бермай келаётир. Эришилаётган муваффақиятларда гуруҳ раҳбари Абдулла Тўхтамишевнинг хизмати беқиёс.

Фаол ўқитувчилардан 42 нафарига директор фондидан устама ҳақ тўланмоқда.

Мактаб маъмурияти томонидан касаба уюшмасига алоҳида хона ажратилган. Бу қулайлик касабақўм раисининг кенг қамровли фаолият юритишига ёрдам бермоқда. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси бу тажрибани оммалаштиргани туфайли, айни дамда тумандаги 6 та таълим муассасасида ана шундай касаба уюшма хонаси бўлиб, барчаси замонавий талаблар асосида жиҳозланган.

Мактаб маъмурияти кадрларни ишга қабул қилишга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу ўқитувчидан ўз устида муттасил ишлаш, билим ва кўникмасини ошириб боришни тақозо этади. Чунки миллатнинг эртанги кунига масъул шахсларни тарбиялаш, уларга тўғри йўналиш бериш давр талабидир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши раиси Қаршибой Эшназаров иштирок этди.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Ishonch» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ташкилотлари, шунингдек, бошланғич, цех касаба уюшма ташкилотлари конференциясига вакиллик нормаси ҳамда делегатлар сайлаш тартиби тегишли касаба уюшма қўмитаси, цех қўмитаси томонидан белгиланади.

Сменали иш тартиби ўрнатилган корхоналарда ҳисобот ва сайловларни ташкил этиш тартиби касаба уюшма қўмиталари томонидан белгиланади.

6.Таркибий бўлинмалари битта вилоятда жойлашган бирлашмаларнинг касаба уюшма қўмиталари ва тафтиш комиссиялари касаба уюшма йиғилишларида, конференцияларида сайланади.

Таркибий бўлинмалари вилоятдан ташқарида жойлашган бирлашмалар ягона касаба уюшма ташкилотларининг касаба уюшма қўмиталари ҳамда тафтиш комиссиялари аъзолари бирлашма касаба уюшма қўмитаси томонидан белгиланган норма бўйича, бирлашмалар таркибий бўлинмаларининг касаба уюшма йиғилишлари, конференцияларида тўғридан-тўғри сайланиши мумкин. Бундай ҳолда тўғридан-тўғри сайланган қўмита ва тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатлари бирлашма касаба уюшма ташкилоти конференциясида тасдиқлаб қўйилади.

7. Касаба уюшмалари туман, шаҳар, ҳудудий, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси кенгашлари (бирлашган қўмиталари) ва тафтиш комиссиялари касаба уюшма конференцияларида ҳисобот берадилар ва сайланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари ҳамда тафтиш комиссиялари бирлашмалар конферен-

4

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

*дан белгиланган сон жиҳатдан таркибини қолдиришга овоз берса, кўрсатилган номзодларни қайтадан муҳокама қилиш ва қайта овоз беришни ўтказиш лозим.*

Конференция, қурултой делегатларини сайлаш юзасидан овоз бериш натижаларига кўра, уларнинг сони вакиллик нормаси бўйича сайланиши керак бўлганидан кўпроқ чиқса, кўрсатилган номзодлар қайтадан муҳокама қилинади ва қайта овоз бериш ўтказилади.

Касаба уюшма қўмитаси (бирлашган қўмитаси), кенгаши, тафтиш комиссиясига, шунингдек конференция, қурултойга делегат этиб сайланганлар таркиби йиғилиш, конференция, қурултой баённомасига киритилади.

25. Цех, бошланғич ташкилот, бирлашган касаба уюшма қўмиталари раислари, касаба уюшма кенгашлари раислари ҳамда уларнинг ўринбосарлари — тегишли қўмиталар мажлисларида, касаба уюшма органлари Пленумларида, тафтиш комиссиялари раислари ва уларнинг ўринбосарлари — комиссиялар мажлисларида сайланадилар. Йиғилиш, конференция, қурултой раис ва унинг ўринбосарини бевосита йиғилиш, конференция, қурултойда сайлаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш сайловлар масаласини кўриб чиқиш бошланишидан аввал тасдиқланган шаклда давом эттирилади.

Йиғилиш қатнашчилари, конференция, қурултой делегатлари раис ва унинг ўринбосарлари лавозимига номзодларни, шунингдек, сайлаб қўйиладиган орган таркибига номзодларни алоҳида-алоҳида кўрсатадилар, муҳокама қиладилар ва уларга овоз берадилар. Йиғилиш, конференция, қурултойнинг саноқ комиссияси ёки раёсати (раиси), бел-

13

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг 2009 йил 14 августдаги 12-5-сон қарорига илова 1

## Касаба уюшма органларида ҳисобот-сайловлар ўтказиш тўғрисида НИЗОМ

### УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Уставига, шунингдек, тармоқ касаба уюшмаларининг Уставларига мувофиқ ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, қурултойлари тегишли касаба уюшма органлари томонидан беш йилда бир марта чақиртирилади.

Касаба уюшма ташкилотларининг тафтиш комиссиялари касаба уюшма қўмиталари ва кенгашлари билан бир вақтда сайланади ҳамда йиғилишлар, конференциялар, қурултойларга ҳисоб беради.

2. Касаба уюшмаларида ҳисобот ва сайловлар қуйидаги тартибда ўтказилади: аввал

2

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ференция қурултой, пленум қарорига мувофиқ ё сайланган касаба уюшма органи таркибидан қайтадан номзодлар кўрсатилиб, мазкур низомда кўзда тутилган тартибда муҳокама қилинади ва улар юзасидан овоз бериш ўтказилади ёки бюллетен (рўйхат)да энг кўп овоз олган иккита номзод қолдирилиб, улар бўйича қайта овоз бериш ўтказилади.

27. Белгиланмаган шаклдаги бюллетенлар, касаба уюшма органлари раҳбарларини сайлашда эса, иккита ёки ундан ортиқ номзодлар қолдирилган бюллетен (рўйхат) лар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

28. Зарур ҳолларда касаба уюшма аъзолари касаба уюшма органлари таркибига бевосита қўмита (кенгаш) Пленумларида сайланиши (кооптация қилиниши) мумкин. Овоз бериш чоғида тегишли касаба уюшма органи аъзоларининг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган касаба уюшма аъзолари сайланган деб ҳисобланади.

29. Юқори касаба уюшма органи аъзоси ўзи ҳисобда турган касаба уюшма ташкилотининг ишончини йўқотса, ташкилот уни хоҳлаган вақтда касаба уюшма органи аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги масалани қўйиши мумкин.

30. Ёпиқ (яширин) овоз беришга тааллуқли барча ҳужжатлар қатъий ҳисобот ҳужжатлари сифатида кейинги сайловгача тегишли касаба уюшма органида сақланади, кейин далолатнома бўйича йўқ қилинади.

31. Сайловлар ўтказишнинг белгиланган тартиби бузилган тақдирда, юқори касаба уюшма органи мазкур ҳолатни кўриб чиқиши, зарур бўлганда сайлов натижаларини бекор қилиши ва янги сайловлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

15

***Қарши шаҳрида тадбиркор Худойназар Орзиев раҳбарлигида «Орзу» савдо мажмуаси барпо этилмоқда.***

# Янги савдо мажмуаси

— 2008 йилда Қашқадарё вилоят ҳокимининг ташаббуси ва маслаҳати билан «Ҳамкорбанк»дан олган кредитимиз эвазига ушбу мажмуанинг қурилиши бошланди, — деди Х.Орзиев. – Айни пайтда ҳам иш суръати пасайгани йўқ. Тез орада бозор расталари, дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, чойхона аҳолига хизмат кўрсата бошлайди. Мажмуамизда 950 та янги иш ўрни яратиш имкони бор. «Орзу»ни шу йилнинг 1 февралида ишга туширишни, Наврўз байрамида эса тўлиқ фойдаланишга топширишни мўлжаллаяпмиз.

Мажмуа ҳудудини айланар эканмиз, унинг замон талаблари асосида қурилаётгани, мижозлар учун барча шароитлар яратилаётгани бизни қувонтирди.

**А. АКМАЛОВ**

